



AMOLOT



O'zbekiston
Fanlar akademiyasi



XXI АСР ИННОВАЦИОН
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҒОЯЛАР АСРИ

XXI ВЕК ВЕК ИННОВАЦИОННО
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ИДЕЙ



II

Тошкент — 2013

МУНДАРИЖА

БИОЛОГИЯ

1. Замон, макон, вақт ўлчов бирликлари ҳақида тушунчалар: Инсоннинг пайдо бўлиш тарихи. **Д.Туляганова** 3

ТАРИХ

2. Незабываемые страницы забытого события (*итоги исследования одного незаслуженно забытого исторического события*). **С.Усенов** 7
3. Развитие интеллектуального потенциала Узбекистана сквозь призму изучения развития периодической печати в ферганской долине. **Д.В.Алиязарова** 12
4. Хоразм топонимиясини ўрганишдаги илмий-техник маълумотлар. **Л.Қурёзова** 14
5. Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошларида). **Ж.Олимов** 15
6. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик илмий-инновацион асос ва тамойиллари (Ислом Каримовнинг асарлари мисолида). **С.Холбоев** 17

СИЁСАТШУНОСЛИК

7. Глобаллашув жараёнларининг мазмун моҳияти, шакллари ва йўналишлари. **Ф.Э.Каримов** 21
8. Политическая трансформация организации исламского сотрудничества в современном глобализирующем мире. **Н.Алимова** 22
9. Особенности стратегического партнерства между центральноазиатскими республиками и Китаем в топливно-энергетической сфере. **Т.Н.Самутдинов** 24
10. Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлашда ривожланган ва қудратли давлатлар манфаатларининг намоён бўлиши. **Б.Салайдинов** 26
11. Ташқи сиёсатни ўрганишнинг баъзи методологик жиҳатлари хусусида (*Ўзбекистон республикаси мисолида*). **А.Сеитов, Ў.Усмонов** 28
12. Мустақиллик даври ва ёшларни миллий маънавият руҳида тарбиялаш. **Б.Ғиёсов** 32
13. Миллатлараро дўстлик – толерантлик асоси. **Д.Абдуллаев** 33

ПЕДАГОГИКА

14. Касб-хунар коллежларида «биология» фанини ўқитишда янги педагогик технологияларнинг аҳамияти. **Д.Туляганова** 35

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

15. Умумий ўрта таълимда информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқитишни компьютерлаштириш муаммоси. **М.Мусаева** 38
16. WORD дастури ҳақида қисқача маълумот. **М.Мусаева** 40

ФИЛОЛОГИЯ

17. Главные и второстепенные члены при простом и неполном предложениях. **Г.Бурхонова** 44
18. О воспитательном характере сказках А.С.Пушкина. **Г.Менглибаева** 46

ФАЛСАФА ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

19. Илмий, фалсафий, ахлоқий ва бадиий мерос – маънавий мезон сифатида. **М.Сариқулова, Э.А.Абдурайимов** 50

СИЁСАТШУНОСЛИК

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ШАКЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ф.Э.Каримов – ТДШИ Жаҳон сиёсати кафедраси тадқиқотчиси.

Бугун глобаллашув илмий баҳсларда энг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда. Кўплаб илмий мунозаралар оқибатида мазкур тушунчага нисбатан назарий-методологик қарашлар шаклланиб, глобаллашув жараёнлари инсоният олдида қўяётган умумжаҳон муаммо ва масалалар ўрганилмоқда. Улар қаторида ижтимоий алоқаларнинг планетар хусусият касб этиши, глобал ижтимоий фикрларнинг вужудга келаётганлиги, глобал иқтисодий инқирозлар, ҳарбий-сиёсий, этник-диний ва бошқа турдаги низоларнинг глобаллашуви, халқаро жиноятчилик хавфининг ортиб бораётганлиги каби муоммоларни кўриш мумкин. Бундай муаммоларни ечимини топиш мақсадида фанда алоҳида бир йўналиш – глобалистика вужудга келди¹.

Глобаллашув – бу халқаро аҳамиятга эга бўлган турли омилларнинг (иқтисодий ва сиёсий алоқалар, маданий ва инфорацион алмашинуви ва ҳ.к.) алоҳида давлат ва жамият ижтимоий ҳолатига таъсир этиш жараёнларидир. Глобаллашув жараёни барча соҳаларда бўлгани каби сиёсий соҳада ҳам ривожланмоқда.

Замонимизнинг глобаллашувини таҳлил қилаётганда икки асосий омилнинг унга таъсир этишини ҳисобга олиш зарур.

Биринчиси, глобаллашув илгари изоляцияда бўлган жамият ва инсонлар ўртасидаги турли (молиявий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ҳ.к.) алоқаларнинг кенгайишида, минтақавий маданий-маънавий тизимларнинг ўзаро яқинлашуви ҳамда “глобал маданият”нинг шаклланишида намоён бўлади.

Иккинчиси, постмодерн ғоялар глобал маданий жараёнларнинг хусусият ва моҳиятини белгилаб беришади. Бошқача қилиб айтганда, глобаллашув жараёнлари бутун дунё бўйлаб оммавий маданиятнинг тарқалишига имконият яратса, уларнинг шакллари ва мазмун-моҳияти постмодерн ғоялари билан белгиланади. Бундан келиб чиқиб, ҳар қандай маданий глобаллашувнинг ортида иқтисодий ва сиёсий омиллар етакчи куч ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин.

Биз тадқиқотимиз давомида глобаллашувнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб олдик:

1. Технологик глобаллашув – жаҳонда ягона глобал технологик майдон вужудга келиши ва иқтисоднинг постиндустриал босиқичига ўтиши оқибатида технологияларнинг иқтисодий восита сифатида ривожланиб кетиши ва дунё бўйлаб тарқалиши². Бунинг оқибатида эса, технологик ва иқтисодий илгарилаб кетган ва янги технологияларни ўзлаштираётган соҳа, давлат ва минтақалар ўртасидаги фарқ катталашиб бормоқда.

1 Федотова В.Г. Глобализация и модернизация // Глобалистика: энциклопедия. –М.: 2003. –С. 192.

2 Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. –М.: 2001. –С. 132.

2. **Иқтисодий глобаллашув** – дунё бўйлаб савдо алоқаларига нисбатан чекловларнинг бекор бўлиши, савдо-молиявий операцияларни жуда қисқа муддат ичида амалга ошириш имкониятининг кенгайиши, ягона валютанинг минтақа ва халқаро миқёсида ҳаракат қилиши, турли халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ташкил этилиши (ХВФ, БСТ, ББ, ЕИ, ОПЕК в.б.) ва турли трансмиллий компанияларининг бутун дунё бўйлаб фаолиятининг кенгайиши ва ҳ.к. Иқтисодий глобаллашув жараёнинг кенгайиши турли соҳаларда бўлгани каби давлат ва минтақалараро миқёсда ҳам кузатилмоқда. Мазкур жараёнлардан ортда қолаётган давлат ва минтақалар иқтисодий глобаллашувга эксплуатация объекти сифатида жалб этилмоқда (масалан, Африка қитъасининг айрим давлатлари). Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган миллий иқтисодиётларнинг интеграция жараёнларини мустақил тизим сифатида ҳаракатланаётган глобал иқтисод деб аташ мумкин¹.

3. **Геосиёсий глобаллашув** – бу халқаро аҳамиятга эга бўлган турли омилларнинг (иқтисодий-молиявий, ижтимоий-сиёсий алоқалар, маданий ва информацион алмашинув ва ҳ.к.) алоҳида давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳолатига таъсир этиш жараёнларидир². Сиёсий глобаллашув халқаро сиёсий тизимларнинг институтлашув жараёнларида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда бир давлат ёки минтақадаги сиёсий жараёнлар глобал аҳамият касб этиб, мазкур жараёнлар халқаро даражага кўтарилмоқда.

4. **Маданий, илмий, таълим, маънавий, ғоявий соҳаларда кечаётган ижтимоий-маданий глобаллашув** – бугунги кундаги глобаллашув жараёнлари орасида энг мураккаб ва қарама-қаршилиқларни келтириб чиқараётган омилга айланиб қолмоқда. Маданий-маънавий соҳада дезинтеграция жараёнлари мавжудлигига қарамай оммавий ахборот воситаларининг (интернет, телевидение, радио ва ҳ.к.) таъсири ёрдамида интеграциялашув тенденциялари кучайиб бормоқда. Бунинг оқибатида маънавий соҳадаги универсаллашув оммавий маданиятнинг тарқалиши авж олишига сабаб бўлмоқда³.

5. **Демографик-экологик глобаллашув** дунё аҳолисининг кўпайиши ва инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири оқибатида вужудга келаётган муаммолар билан боғлашмоқда⁴. Аҳолининг тез суратларда ўсиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаоллашуви билан бир қаторда, дунёда миллатлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршилиқларга олиб келаётганини кузатишимиз мумкин.

Демак, глобаллашув жаҳон тараққиёти учун ижобий ҳоллар билан бирга, глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Уларни ўрганиш давр талабидир.

ПОЛИТИЧЕСКАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ИСЛАМСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СОВРЕМЕННОМ ГЛОБАЛИЗИРУЮЩЕМ МИРЕ

Н.Алимова – соискатель кафедры Мировой политики ТГИВ.

Сегодня в системе современных международных отношений взаимодействия религии и мировой политики тесно связаны с вопросами межцивилизационных отношений, культурного, социального и экономического развития стран, происходящей в них эволюцией общественного сознания.

1 Делягин М.Г. Мировой кризис. Общая теория глобализации. – М.: 2003. – С. 51.

2 Мировая политика: проблемы теоретической идентификации в современном развитии: ежегодник. – М.: 2006. – С. 206.

3 Robertson R. Globalization. Social Theory and Global Culture. – L., 1992. – P. 58-59.

4 Удовик С.Л. Глобализация: семиотические подходы. – М.: Киев, 2002. – С. 206.